

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2021 йил якуни бўйича
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 28 июн 2022 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 11-00

Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси 9 уйда жойлашган жамият
мажлислар зали

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 3 643 308 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони - 3 102 308 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 85,15 %

Қатнашдилар:

| № т/р | Ф.И.Ш. | Акциядорнинг номи | Акциялар сони, дона | Улуши, (%) |
|------------------|----------------------|--|--------------------------------|-----------------------|
| 1. | Фармонов Бахтиёржон | Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили (20.06.2022 й.даги 03/08-1-18/2281-сонли ишончнома) | 3095500 | 84,96 |
| 2. | Эргашев Икром | Жисмоний шахс, акциядор | 980 | 0,03 |
| 3. | Хусанов Қаҳхоржон | Жисмоний шахс, акциядор | 1500 | 0,04 |
| 4. | Абдуллаев Исройлжон | Жисмоний шахс, акциядор | 816 | 0,02 |
| 5. | Сайдбурхонова Нафиса | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 6. | Қаюмов Бунёджон | Жисмоний шахс, акциядор | 428 | 0,01 |
| 7. | Эшматова Дилфузা | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 8. | Холматов Бахтиёр | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| 9. | Гафурова Ирода | Жисмоний шахс, акциядор | 512 | 0,01 |
| 10. | Джурабаева Санобар | Жисмоний шахс, акциядор | 344 | 0,01 |
| 11. | Тиллабоева Махпуза | Жисмоний шахс, акциядор | 772 | 0,02 |
| 12. | Жалолов Иқоржон | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| 13. | Мусаев Равшан | Жисмоний шахс, акциядор | 256 | 0,01 |
| ЖАМИ: | | | 3 102 308 | 85,15 |

Йиғилиш раиси: Б.Фармонов – Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили.

Йиғилиш котибаси: Н.Сайдбурхонова

Кун тартиби:

1. 2021 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
2. 2021 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар ҳисоб варагини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хulosасини тасдиқлаш.
5. Ташки аудитор хulosасини тасдиқлаш.
6. 2021 йил якуни бўйича жамият соғ фойдасини тақсимлаш.
7. 2022 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.
11. Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
12. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташки аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
13. 2017 йил якуплари бўйича хисобланган дивиденд тўловларини талаб қилиб олинмаган колдик қисмини жамият фойдасига олиш масаласини кўриб чикиш тўғрисида.
14. Жамият бошқарув структурасини тасдиқлаш.
15. Жамият Устави ва ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.
16. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб, бир овоздан Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили Б.Фармоновни сайлашди. Йиғилиш раиси Б.Фармонов навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан танишириш учун сўзни саноқ комиссиясининг раисига берди.

Саноқ комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 3 643 308 та овозга эга бўлган 1222 та акциядорлардан 3 102 308 та овозга эга бўлган 13 та акциядорлар қатнашётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,15 % ини ташкил қилади. Йиғилишда кворум мавжуд.

Йиғилиш раиси йиғилишни очик деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга кўйди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Йиғилиш раиси йиғилишни ўтказиш учун ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишларини сўради.

“Ишчи президиуми 2 кишидан иборат бўлсин”, деган таклиф тушди ва овозга кўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

“Ишчи президиумига қуйидагилар сайлансан”, деган таклиф тушди:

Раис: Б.Фармонов - Давлат активларини бошқариш Агентлиги ишончли вакили, **йиғилиш раиси**.

Аъзолари: Б.Қаюмов - “Фарғона ёғ-мой” АЖ бошқарув раиси;

Йиғилиш котибаси: Н.Сайдбурхонова.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” – йўқ

Йиғилиш раиси Б.Фармонов кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқланганни таклиф этди. Саноқ комиссияси И.Эргашев, С.Джурабаева, И.Гафуровалар таркибида тузилган. Ушбу таклиф овозга кўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

Йиғилиш раиси саноқ комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масала бўйича 10 минутгача, музокараларга 5 минутгача.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг 16 масаласи бўйича кўп овозли бюллетен орқали овоз берилишини, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар мухокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга

оширилишини таъкидлаб ўтди.

Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларни мухокама қилишга ўтилди.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан йигилиш раиси Б.Фармонов маъруза қилди. У ўз маърузасида 2021 йил давомида корпоратив бошқарув тамойиллари корхона фаолиятида тўғри ташкил қилинганлигини, кузатув кенгаши аъзолари ўзига бириктирилган вазифалар асосида иш олиб боришганлагини, йил давоида 13 та йигилиш ўтказилиб, йигилишда биринчи навбатда корхонани иқтисодий-ижтимоий кўллаб кувватлаш, қолаверса давлат манфаатлари йўлида белгиланган кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилинганлигини маълум қилди (хисобот илова килинади).

Мухокамадан сўнг “**2021 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларирига риоя қилниши юзасидан Кузатув кенгашининг хисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича хисобот учун сўз бошқарув раиси Б.Қаюомовга берилди.

“Фарғонаёғмой” АЖ томонидан 2021 йилда 34976 тонна техник чигит қайта ишланган. 2021 йил давомида 5956 тонна окланган ёғ, 4369 тонна қадокланган ёғ, 15789 тонна кунжараси ва 10785 тонна шелуха маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 2021 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга нисбатан 103,8 % га ўсан ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 151,9 % фоизни ташкил этган. Маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 134881,2 млн. сўмни, сотилган маҳсулотларнинг таннархи 118002,5 млн. сўмни, маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда 16878,7 млн сўмни, давр ҳаражатлари 8798,5 млн сўмни ҳамда соф фойда ҳажми 3511,9 млн. сўмни ташкил этган.

2021 йил учун тасдиқланган бизнес режа бўйича 3396,6 млн.сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 3511,9 млн.сўм соф фойда олинган (хисобот илова килинади).

Мухокамадан сўнг “**2021 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молияхўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг хисоботи тасдиқлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича хисобот учун сўз жамият бош хисобчиси О.Ҳикматовга берилди.

О.Ҳикматов ўз сўзида 2021 йил давомида жамиятнинг молиявий холатида бўлиб ўтган ўзгаришлар хақида тўхталиб ўтди (хисобот илова килинади).

2021 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум 134881,2 млн.сўмни ташкил этганини, мос равишда 2020 йил якуни бўйича ушбу кўрсаткич 114219,5 млн.сўни ташкил этганлигини, ўтган йилга нисбатан хақиқатда 118,1 %га ошириб бажарилганлигини, сотилган маҳсулот таннархи 118002,5 млн.сўм, давр ҳаражатлари 2021 йилда 8798,5 млн.сўм бўлиб, молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар 4349,4 млн.сўм бўлиб, улардан банк томонидан олинган кредитлар фоизлари 4295,2 млн.сўм, валюта курси фарки бўйича 18,0 млн.сўмни ташкил этганлигини, соф фойда эса 3511,9 млн.сўм режага нисбатан 115,3 млн.сўмга бажарилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жами банкдан олинган кредит маблағларидан 2022 йил 1 январ холатига 39000,0 млн.сўм қарздорлик мавжуд.

Йигилиш раиси Б.Фармонов жамият бош хисобчиси хисоботи бўйича хисоб китоблар ва молиявий камчиликларга урғу бериб, мазкур камчиликларга сабаб бўлган шарт-шароитларни таҳлил қилиш, айбор шахсларнинг хатти-харакатларига хукукий баҳо бериш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишини таклиф этди.

Мухокамадан сўнг “**2021 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зааралар хисоб-варағи тасдиқлансин**” деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича хисобот учун сўз тафтиш комиссиясининг аъзоси Д.Тўлқиновга берилди.

Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йилдаги фаолияти давомида комиссия номига жамият бошқарувидан, акциядорлардан ва бошқа корхона хамда ташкилотлардан аризалар ва мурожаатлар бўлмаган, комиссия йил давомида жамият бухгалтерияси ва молия фаолиятини ўрганиб борган. Комиссиянинг хисоботига кўра, жамиятнинг 2021 йил бухгалтерия баланси ва хисобварафида фойда ва заарлар бўйича маълумотлар тўғри акс эттирилганлиги ўрганиб чиқилиб хисоботи тузилган(маълумот илова қилинади).

Музокаралардан сўнг “**Тафтиш комиссиясининг хисоботи ва хulosаси тасдиқлансан**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Мажлис раиси 2021 йил 29 июн кунги акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига биноан жамиятнинг 2021 молия-хўжалик фаолияти бўйича аудит текшируви учун Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда берилган 00778-сонли лицензия асосида аудиторлик фаолиятини олиб борувчи “MEZON-AUDIT-PERFEKT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан 22,0 млн. сўмга шартнома қилинганлиги, аудит текширувлари йил давомида чоракма-чорак олиб борилиб, текширув натижалари бўйича 2022 йил 26 апрел куни аудиторлик ташкилоти томонидан ўз хulosаси берилганлигини билдириди.

Шундан сўнг сўзни “MEZON-AUDIT-PERFEKT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори И.Солиевга берди.

И.Солиева ўз маъruzасида корхона фаолияти текширилганида корхонада бухгалтерия хисобини юритишда асосий воситалар ҳисоби ва товар-моддий захиралар ҳисоби миллый андоза талабларига тўлиқ амал қилинганлигини, шунингдек ҳалқаро стандартлар андозаси ва бухгалтерия ҳисоби юритишда шу ҳалқаро андоза асосида амалга оширилганлигини билдириди ва фикр хулоса берилганлигини маълум килди (хисобот илова қилинади).

И.Солиев йигилиш қатнашчиларига аудит текшируви юзасидан саволлар бўлмаса, “MEZON-AUDIT-PERFEKT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан “Фарғона ёғ-мой” АЖнинг 2021 йилги молия-хўжалик фаолияти бўйича берилган фикр хулосаси тасдиқлансан деган қарорга бўллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили Б.Фармонов “Фарғона ёғ-мой” АЖда 2021 йилда 3.511.900.000 сўм (уч миллиард беш юз ўн бир миллион тўккиз юз ўн минг) сўм соф фойда олинганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 марта даги 178-сонли қарорининг З-иловасида давлат иштирокидаги корхоналар ва устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналар томонидан давлат улуши бўйича соф фойдадан бюджетта тўланадиган дивиденд суммаларининг 75 фоизини ундириш бўйича кўрсатма берилган бўлиб ва Кузатув кенгашининг 2022 йил 31 май кунги 12-сонли йигилиш баённомасига мувофик 2021 йил натижалари бўйича олинган соф фойданни куйидагича тақсимлаш таклифини билдириди:

| | |
|---|--|
| Дивиденд тўловлари учун | 2 646 607 680 сўм (соф фойданинг 75,36 фоизи) |
| | хар бир оддий акция учун 720,00 сўмдан ва хар бир имтиёзли акция учун 980,00 сўмдан |
| Резерв фондини шакллантириш учун | 175 595 500 сўм (соф фойданинг 5,0 фоизи) |
| Кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси, корпоратив котибият ва саноқ комиссиясини рағбатлантириш | 138 720 445 сўм (соф фойданинг 3,95 фоизи) |

| | |
|---|--|
| учун | |
| Корхонани ривожлантиришга, яъни кейинчалик устав фондига капитализация қилиш учун | 550 986 375 сўм (соф фойданинг 15,69 фоизи) |
| Жами : | 3 511 910 000 сўм |

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 50-моддасида дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек мазкур конуннинг 51-моддасига кўра дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай карор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Юқоридагиларга кўра дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 29.06.2022 йил, тугалланадиган сана 26.08.2022 этиб белгиланиши тавсия килинади.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили Б.Фармонов ушбу кузатув кенгашининг соф фойда таксимоти бўйича таклифини йиғилиш қатнашчиларига эшиттириб ўтгандан кейин, соф фойдани таксимлашни юқоридаги тартибда бўлишини таклифини киритиб овоз беришларини айтди.

Мухокамадан сўнг “**2021 йил якунлари бўйича жамият соф фойдасини таҳсимлаш юқоридаги тартибда амалга оширилсин**” деган таклиф овозга кўйилди.

Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича сўз стратегик режалаштириш, бозор коньюктураси ва эҳтиёжларини ўрганиш бўлими бошлиғи А.Исақовага берилди.

Тасдиқлаш учун тақдим этилаётган 2022 йил учун бизнес режада корхонанинг асосий техник-иктисодий ва молиявий кўрсаткичлари акс эттирилган бўлиб, унда жамиятни ривожлантиришга асос бўладиган ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш ишлари кенг ёритилган.

Юқори ташкилот “Ёғ-мой саноати корхоналари” уюшмаси билан келишилган ҳолда чигитни қайта ишлаш режалаштирилганлиги асосида 2022 йилда 45000 тонна техник пахта чигитини қайта ишлаш кўзда тутилган.

2022 йил қайта ишланадиган чигитдан 8393 тонна оқланмаган ёғ, 7453 тонна оқланган ёғ, 7401 тонна доғланган ёғ, 7398 тонна қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, 463 тонна ДЖК ишлаб чиқарилади.

Молиявий хисоб режаси бўйича 2022 йилда жами 128,9 млрд. сўмлик маҳсулот сотиш режалаштирилганлигини, маҳсулот таннархи 111,3 млрд. сўм бўлиб, давр харажатлари 8,8 млрд. сўмни, соф фойда олиш эса 3786,3 млн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1401-сонли қарорига асосан корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 250400 тонна ўрнига 126000 тонна этиб белгиланган, яъни кунига 400 тоннага ўзгартирилган, корхона бошқа жойга кўчирилиши муносабати билан 2022 йил ишлаб чиқариш қуввати 35,7 % даражасида кутилмоқда.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили Б.Фармонов бизнес режа тузиш тартибларига кўра 2022 йил даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда микдорини Кузатув кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилганлигини, соф фойдани кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва келажакда яна ҳам юқори фойдаларга эришишни режалаштирилиши, 2022 йилда соф фойдани белгиланишида хозирги кунда пахта техник чигитларини кластер тизимига ўтиб кетиши муносабати билан қайта ишлаш натижасида соф фойдани камайиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда соф фойда режасини 3786,3 млн.сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

Мухокамадан сўнг “Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режаси хамда даромад ва ҳаражатлар сметасида соф-фойдани 3786,3 минг сўм режалаштирилсин ва тасдиқлансин”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича сўз йиғилиш раиси Б.Фармоновга берилди.

“Фарғона ёғ-мой” АЖ акциядорларининг 2021 йил 15 сентябрдаги ўтказилган навбатдаги умумий йиғилишида Кузатув кенгашига сайланган Хайдаров Жаҳонгир Бахтиярович, Эшниёзов Жамолбек Умидович, Захидов Алишер Артикурадович, Самиев Умид Ҳикматович, Сангиюва Азиза Бахтиярова, Ўткирбеков Ҳусан Ўткирбекович, Ҳакимов Шерзод Набиджанович, Фарманов Бахтиёр Баҳодирович, Суюнов Дилмурод Ҳолмуродовичлар фаолият олиб борганлар ва Кузатув кенгаши ўз иш режаси бўйича йил давомида 13 та йиғилиш ўтказганлинини ва бугунги йиғилишда улар қатнашиб йил давомидаги қабул қилинган карорларни ижроси юзасидан хисботларини тақдим этишди.

Кенгаш ўз йиғилишларида акциядорларнинг умумий йиғилиши, 2021 йил учун тасдиқланган бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишини, чорак якунлари бўйича бошқарув томонидан олиб борилган ишлар юзасидан ҳисботларини эшитганлиги, ҳисботлар бўйича 2021 йилнинг чораклар бўйича ҳисботлари маълумот учун қабул қилиниб фаолиятига ижобий баҳо берилганлиги хусусида сўз юритди.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов кузатув кенгаши аъзолари жамият устави бўйича тўккиз аъзодан иборат бўлишини билдириди.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига жамият кузатув кенгашига бу органинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли эканлигини, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон қарорига асосан хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари аъзолигига давлат улуши бўйича номзодлар кўрсатиш Вазирлар Маҳкамаси билан келишган холда амалга ошириш белгиланганлигини инобатга олиб, номзодлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга қадар, амалдаги кузатув кенгаш аъзоларини ваколат муддатини узайтириш таклиф этилди.

Кун тартибидаги тўккизинчи масаласи бўйича сўз йиғилиш раиси Б.Фармоновга берилди.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов 2022 йил учун жамият тафтиш комиссияси фаолиятини Давлат Активларини бошқариш Агентлигининг 2022 йил 22 апрел кунги 01/08-1-18/298-сонли хатига асосан тутгатиш таклифини берди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан:

Раислик қилувчи жамиятга сайланётган бошқаруви таркибига қуидаги номзодларни тақлиф этди:

| | | |
|----|---------------------|---|
| 1. | Қаюмов Бунёджон | Бошқарув раиси |
| 2. | Сабиров Мухаммаджон | Молия, маркетинг ва экспорт бўйича директор |
| 3. | Сафаров Бахромжон | Ишлаб чиқариш директори |
| 4. | Ибрагимов Олимжон | Бош энергетика хизмати бошлиғи |
| 5. | Ҳикматов Ойбек | Бухгалтерия хисоби, молия бўлими бошлиғи |

2021 йил учун тасдиқланган бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилганлигини инобатга олиб, жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, 2022 йил учун бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш шарти билан кузатув кенгашининг 2022 йил 31 майдаги йиғилиш қарори билан тақдим этилган бошқарув аъзолигига юқоридаги

номзодлар бўйича таклифларига овоз бериш;

Кун тартибидаги ўн биринчи масаласи юзасидан:

2021 йил учун тасдиқланган бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилганлигини инобатга олиб, жамиятнинг молиявий холатини яхшилаш, 2022 йил учун бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш шарти билан жамият бошқарув раиси лавозимга ўтказилган танлов натижалари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга қадар амалдаги бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтиришга “ёқлаб” овоз бериш;

Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи юзасидан:

Жамият бухгалтерия, молия бўлими бошлиғи О.Ҳикматов жамиятнинг 2022 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан www.openinfo.uz ва жамият расмий веб сайт www.fyom.uz сайтига берилган танловига кўра куйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушгандигини айтиб ўтди:

- “MEZON AUDIT PERFEKT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2019 йил 5 апрел кунги Молия вазирлиги томонидан берилган 000738-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 30 млн.сўмлик тижорат таклифи берган;

- “GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2022 йил 7 февраль кунги Молия вазирлиги томонидан берилган 98-сонли руҳсатномага эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 20 млн.сўмлик тижорат таклифи берган;

- “AKADEMIK AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2019 йил 05апрел кунги Молия вазирлиги томонидан берилган 00772-сонли руҳсатномага эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 36 млн.сўмлик тижорат таклифи берган;

- “HIMOYA-FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (2019 йил 05 апрел кунги Молия вазирлиги томонидан берилган АФ 00775-сонли лицензияга эга). Бу ташкилот аудиторлик хизматини ўтказиш учун 40 млн. сўмлик тижорат таклифи берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2022 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг энг юкори микдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб тендер комиссиясининг хуносасига асосан 20 млн.сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган “GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик ташкилотини бўллетенда овоз беришларини сўради.

Кун тартибининг ўн учинчи масаласи юзасидан:

Бу масала юзасидан жамият бош хисобчиси О.Ҳикматов сўз олиб, 2017 ишлаб топилган соф фойдадан жисмоний шахсларга одий ва имтиёзли акциялар учун 163 729 670 сўм дивидент ажратилганлигини, шу давргача бу ажратилган дивидентдан жисмоний шахслар акциядорлари томонидан 143 711 812 сўмлик қисми олингандиги, талаб қилиб олинмаган қисми 20 017 858 сўмни ташкил этганлигини, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 51-моддасига асосан эгаси ёки эгасининг қонуний хукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичидан талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши карорига кўра жамият ихтиёрида қолиши белгилаб кўйилганлигини айтиб ўтди.

Музокаралардан сўнг “2017 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивиденд суммасининг акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган колдик қисми 20 017 858 сўм жамият ихтиёрида қолдирилсин” деган қарорни қабул қилиш овозга кўйилди.

Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи юзасидан:

Жамиятнинг бошқарув структурасини тасдиқлаш бўйича, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 01/08-1-18/298-сон кўрсатмасига асосланган холда структурада тафтиш комиссиясини бекор қилиш таклиф этилди.

Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи юзасидан:

Бу масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Фармонов жамият устави ва ичи низомларига қонунчиликда киритилган ўзгартиришларга асосан Давлат активларини бошқариш

агентлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 01/08-1-18/298-сон кўрсатмасига асосланган ҳолда янги таҳририни тасдиқлашни овозга қўйди.

Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи юзасидан:

Йиғилиш раиси Б.Фармонов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс хисобдорлик, очиклик, ҳакқонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узок муддатли истиқболда баркарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди ва “Фарғонаёғмой” АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли эканлиги, мустақил баҳоловчи “ИШОНЧ” ЛТД МЧЖ томонидан 2021 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан 10-сонли хулоса олинганлиги ва бу ижобий хулоса эканлигини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттириди, шундан кейин Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосанини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга қўйди.

Йиғилиш раиси **Б.Фармонов** мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень оркали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни хисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.
(танаффусдан сўнг)

Йиғилиш раиси сўзни саноқ комиссияси раисига берди. Саноқ комиссиясининг раиси И.Эргашев саноқ комиссияси мажлисларининг 2-сонли баённомасини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:

Хакикий деб топилган бюллетенлар сони 13 дона, яъни 3 102 308 та овоз.

Овоз бериш натижалари хисобланганда, овозлар қўйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:

Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг тўққизинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - йүк, “Бетарафлар” - йүк.

Кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Қаршилар” - ишк. “Бетарафлар” - ишк.

Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи бўйича:

“MEZON AUDIT PERFEKT” МЧЖ овоз йўқ.

“GREAT FOOURS” МЧДК 3 10 060 та овоз.

“AKADEMIK AUDIT” МЧЖ өвоз йүк.

“HIMOYA-FAIR” МЧЖ овоз йўқ.

Кун тартибининг ўн учинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Каршилар” - йүк, “Бетарафлар” - йүк.

Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Каршилар” - йүк, “Бетарафлар” - йүк.

Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та, “Каршилар” - йүк, “Бетарафпар” - йүк

Кун тартибининг ўн олтинчи масадаси бўйича:

“Тарафдорлар” – 3 102 308 та. “Каршилар” - йүк. “Бетарафдар” - йүк

Ийгилиш раиси санок комиссиясининг баённомадарини инобатга одишини сўради

“Тарафдорлар” – 100,0 %, “Каршилар” – Йўк, “Бетарафлар” – Йўк.

Йиғилиш раиси акциядорлардан кун тартибидаги масалалар юзасидан құшимча таклиф
ва мудохазапарни сұрады. Таклифдар туындағы

Шу билан умумий йиғилиш үз ишини тамомлады. Мухокамалардан сұнг

“ФАРГОНА ЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА

1. 2021 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг хисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.
 2. 2021 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг хисоботи тасдиқлансин.
 3. 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар хисоб вараги тасдиқлансин.
 4. Тафтиш комиссиясининг хисоботи ва хulosаси тасдиқлансин.
 5. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ташкилоти “MEZON AUDIT PERFEKT” МЧЖ нинг хисоботи ва хulosаси тасдиқлансин.
 6. 2021 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси 3 511 910 000 сўм қуидагида таксимлансин:

| | |
|--|---|
| | 2 646 607 680 сўм (соф фойданинг 75,36 фоизи) |
| Дивиденд тўловлари учун | хар бир оддий акция учун 720,00 сўмдан ва хар бир имтиёзли акция учун 980,00 сўмдан |
| Резерв фондини шакллантириш учун | 175 595 500 сўм (соф фойданинг 5,0 фоизи) |
| Кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси, корпоратив котибият ва саноқ комиссиясини рағбатлантириш учун | 138 720 445 сўм (соф фойданинг 3,95 фоизи) |
| Корхонани ривожлантиришга, яъни кейинчалик устав фондига капитализация қилиш учун | 550 986 375 сўм (соф фойданинг 15,69 фоизи) |
| Жами : | 3 511 910 000 сўм. |

Дивидендерни тўлашни бошлиш санаси 29.06.2021 йил, тугалланадиган сана 27.08.2021 этиб белгилансин.

7. 2022 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

8. Амалдаги жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддати, кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга ҳамда мазкур масалада акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ийифилиши ўтказилгунга кадар узайтирилсин.

9. Жамият тафтиш комиссияси фаолияти Давлат Активларини бошқариш Агентлигининг 2022 йил 22 апрел кунги 01/08-1-18/298-сонли хатига асосан тутатилсин.

10. Жамият бошқарув аъзолари қўйидагича сайлансан:

- | | |
|---------------------|---|
| Қаюмов Бунёджон | - Жамият бошқарув раиси; |
| Сабиров Муҳаммаджон | - Молия, маркетинг ва экспорт бўйича директор |
| Сафаров Бахромжон | - Ишлаб чиқариш директори |
| Ибрагимов Олимжон | - Бош энергетика хизмати бошлиғи |
| Хикматов Ойбек | - Бухгалтерия ва молия бўлими бошлиғи |

11. Жамият бошқарув раиси лавозимга ўтказилган танлов натижалари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга кадар амалдаги бошқарув раиси вазифасини вактинча бажарувчиси билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати узайтирилсин.

12. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ташқи аудиторлик ташкилоти этиб “GREAT FOURS” МЧЖ тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган хақнинг энг кўп миқдори 20 000 000 сўм деб белгилансин.

13. 2017 йил якунлари бўйича хисобланган дивиденд суммасининг акциядорлар томонидан талаб килиб олинмаган қолдиқ қисми 20 017 858 сўм жамият ихтиёрида колдирилсин.

14. Жамият бошқарув структураси тафтиш комиссияси бекор қилинишини инобатга олиб янги таҳрирда тасдиқлансин.

15. Жамият Устави ва ички низомларига Агентликнинг 2022 йил 22 апрелдаги 01/08-1-18/298-сон кўрсатмасига асосланган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрири тасдиқлансин.

16. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хуносасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

**Йиғилиш раиси,
Давлат активларини бошқариш
агентлиги ишончли вакили**

Йиғилиш котибаси



Б.Фармонов
Сайдурхонова

Баённома 06.07.2022 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди

М